

**«Бухорогуштсавдо» акциядорлик жамиятининг 2018 йиллик
бухгалтерия баланси ва молиявий –хужалик фаолияти аудиторлик
текшируви натижалари буйича**

ИЖОБИЙ

АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Ушбу аудиторлик хулосаси Узбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йилнинг 4 октябрида 351 ракам билан руйхатга олинган ва Узбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2015 йилнинг 14 августида берилган, Узбекистон Республикаси худудида фаолият курсатаётган барча хужалик субъектларида аудиторлик текшируви утказиш ҳукукини берувчи 0310 – сонли махсус лицензияга эга булган « PROGRESS – AUDIT » маъсулати чекланган жамияти томонидан тайерланди.

« Бухорогуштсавдо » АЖ нинг асосий фаолияти хар хил озик-овкат махсулотлари билан улгуржи ва чакана савдо хисобланади, код ОКЭД: 47290.

Аудиторлик текшируви 2016 йилнинг 11-июнида Узбекистон Республикасида Молия Вазирлиги томонидан берилган 05395-сонли аудиторлик - малака сертификатига эга булган ушбу аудиторлик корхонаси аудитори С.С. Хаитов томонидан утказилди. Ушбу аудиторлик текшируви Узбекистон Республикасида шаклланган. Узбекистон Республикаси Молия вазирининг 2016 йил 9 ноябрдаги 85-сонли Узбекистон Республикаси аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти (70 сон АФМС) «Миллий Хисобот тугрисидаги аудиторлик хисоботи ва аудиторлик хулосаси тугрисида»ги буйругига ҳамда «Халқаро аудит стандартлари» (ХАС) асосида тасдиқланган аудиторлик (андоза) стандарт талабларига мувофиқ ва амалдаги Узбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мос келадиган аудиторлик текширувлари утказиш махсус амал ва услубларини куллаш асосида утказилди. Ушбу андозалар биз фойдаланувчиларни молиявий хисобот жиддий бузилишларига эга эмаслигига етарлича ишонч ҳосил қилинишини таъминлашимиз кераклигини такозо этади .

Аудиторлик текшируви куйидаги хисоботлар (форма отчетности) буйича мавжуд аспектларнинг хақиқийлиги ва ишончлилигини аниқлаш мақсадида утказилди :

1. Корхонанинг бухгалтерия баланси
2. Молиявий натижалар буйича хисобот

Биз « Бухорогуштсавдо » акциядорлик жамиятининг 2018 йил 31 декабр ҳолатидаги бухгалтерия баланси ва молиявий хисоботининг тугрилиги ҳамда бухгалтерия хисоб - китобларини юритиш тартибининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган талабларига мувофиқлигини текширдик ва маълумотларнинг махфийлигини таъминладик . Ушбу хисобот ва маълумотларнинг хақиқийлиги ва тугрилиги учун корхона раҳбарлари жавобгардирлар. Аудиторлик ташкилоти аудиторлик текшируви натижаларига қура, қабул қилинган хисоб сиесатининг асосланганлигига ва унинг бухгалтерия

хисоби тугрисидаги конун хужжатлари талабларига мувофиқлигига ҳамда аудиторлик фаолияти тугрисидаги конун хужжатларига мувофиқ ижобий фикр билдириш учун етарли ва лозим даражадаги далиллар мавжудлигига ишонч хосил килинишига ижобий баҳо еки фикр беради. Аудиторлик текшируви ҳаққонийликни, молиявий ҳисобот ҳамда молиявий ахборотларнинг конун хужжатларига, шунингдек молиявий хужалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлигини баҳолашга асосланди. Аудиторлик текшируви мавжуд хужжатлар, ҳисоботлар, аналитик кайдномалардаги молиявий курсатгичларини танланма ҳолдаги текширувларини уз ичига олди. Текширув мақсади бухгалтерия ҳисоботини юритишда қулланилган иш услуги ва такдим этилган молиявий ҳисоботга баҳо беришдан иборат. Биз томонимиздан утказилган ушбу аудиторлик текшируви корхонанинг молиявий - хужалик фаолиятига тегишли хулоса чиқариш учун етарли даражада асос була олади деб ҳисоблаймиз. Корхонада бухгалтерия ҳисоб - китобларини юритиш амалдаги тартибнинг конун хужжатларида белгиланган талабларига мос равишда олиб борилган. 2018 йилнинг якуни буйича топширилган ҳисобот (баланс) ва молиявий натижалар буйича солиқ тулагунига қадар олинган фойда миқдори 684608 минг сумни ташкил этган, 496526 минг сумлик солиқ ҳисобланганидан кейин корхона ихтиерига қоладиган соф фойда миқдори 188080 минг сумни ташкил этган. Хулоса қилиб айтганда, бизнинг фикримизча хужалик юритувчи ушбу субъект «Бухорогуштсавдо» акциядорлик жамиятининг бухгалтерия ҳисоб-китобларини юритиш талаб даражасига жавоб беради ва 2018 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий ҳисоботи унинг молиявий аҳолини ҳаққоний ақс эттиради ҳамда мазкур хужалик юритувчи субъект томонидан амалга оширилган молиявий жараенлар (операция) Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари талабларига жавоб беради.

« PROGRESS - AUDIT » МЧЖ
Директори :



С. Хаитов.

10 апрел 2019 йил